



БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСПЕКТЛАРИ

Зикиряева Манзура Мавлоновна

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8112085>

ARTICLE INFO

Received: 24th June 2023

Accepted: 29th June 2023

Online: 30th June 2023

KEY WORDS

Тафаккур, мунозаралар, муҳокамалар, ҳикоялар, суҳбатлар, талабаларнинг шахсий тажрибалари ва ҳаётини вазиятлар билан боғлиқ суҳбатлар, тарихий-хронологик характердаги матнлар, ҳикматлар, мақоллар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада шифокорлар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аудиториядаги педагогик жараёнлар билан бир қаторда мустақил ишлар ҳам алоҳида аҳамиятлиги, билим, кўникма, малакалар ва аналитик-таҳлилий компетенциялар билан бир қаторда ижтимоий тажрибадан ҳаётини вазиятларда фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш орқали ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш масалалари ёритиб берилади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш педагогика олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш муаммоси ўзининг назарий талқинига эга. Бунинг учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини алломаларнинг қарашлари воситасида фаоллаштиришнинг педагогик тизими ва стратегияларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш муайян педагогик шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Бунинг натижасида талабалар мустақил билим олиш ва ўз-ўзларини ривожлантириш даражасига кўтариладилар.

Педагогик амалиётда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг муайян воситалари ва технологиялари мавжуд. Улар талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган. Бундай воситалар ва технологиялар сирасига таълимнинг турли-туман шакллари, воситалари ва методларидан иборат бўлиб, мазкур воситалар ва методлар таълим жараёнида муваффақиятли уйғунлаштирилади. Натижада талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллигининг ортиши таъминланади.

Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ўқув фанлари бўйича ўқув материалларини танлашда ўқув материаллари ва асосий тушунчавий аппарат орасидаги алоқадорликни таъминлаш талаб қилинади. Билимлар ва ўқув ахборотларини тизимлаштиришда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган маълумотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.



Бундай ўқув материаллари сирасига алломалар томонидан яратилган илмий-оммабоп ва бадиий асарлардан олинган намуналар, тарихий-хронологик характердаги матнлар, ҳикматлар, мақолларни киритиш мумкин.

Бўлажак шифокорларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда дидактик воситалар билан бир қаторда уларнинг руҳий ўзига хосликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг хиссий барқарорлиги таъминлаш учун қуйидаги дидактик шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: маърузалар, мунозаралар, муҳокамалар, ҳикоялар, суҳбатлар, талабаларнинг шахсий тажрибалари ва ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ суҳбатлар, ўрганилаётган материаллар билан боғлиқ ҳолда талабаларнинг ҳиссий кечинмаларини намоён қилувчи вазиятлар шулар жумласидандир.

Бўлажак шифокорларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи воситалар ёрдамида уларнинг билиш қизиқишларини ривожлантириш мумкин. Бунда алломалар меросидан олинган мантиқий фикрлаш, ҳозиржавобликка ундовчи дидактик воситалар муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак шифокорларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аудиториядаги педагогик жараёнлар билан бир қаторда мустақил ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Билим, кўникма, малакалар ва аналитик-таҳлилий компетенциялар билан бир қаторда ижтимоий тажрибадан ҳаётий вазиятларда фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш орқали ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мумкин. Бунда ўқув материаллари билан ишлаш жараёнида талабалар турли ўқув предметлари билан боғлиқ фаолият усуллари ҳам эгаллашлари зарур. Ўқув предметлари билан боғлиқ ҳолда фаолият усуллари қўллаш қуйидагиларни ўз ичига олади: таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш, оммалаштириш, топшириқларни ечиш алгоритмларини қўллаш, ташхис қўйиш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Таълим натижасида талабалар билимларни қўллаш алгоритмлари, топшириқларни ечиш жараёнида улардан фойдаланиш лаёқатига эга бўлишлари лозим. Талабаларда бундай фаолиятни шакллантириш натижасида мустақил ишлаш, топшириқларни бажариш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш, ўқув материалларини ўзлаштириш учун сарфлагандагина кучни тежаш имконини беради.

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида ўқитишнинг турли шакллари ва методларини қўллаш имконияти мавжуд. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун таълимнинг фаол шакллари, воситалари ва методларини қўллаш талаб қилинади. Бундай методлар сирасига аجدодларимиз томонидан қўлланилган

мантиқий фикрлашга ундовчи усулларни кўрсатиш мумкин. Бунда ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири талабаларда фаолликни вужудга келтирувчи вазиятларни ташкил этишдан иборат. Ўқитишнинг фаол методлари ёрдамида талабаларда фаолият тажрибаси ҳосил қилинади. Бундай методлар сирасига диалог методини киритиш мумкин. Мазкур методни қўллаш натижасида ўқитувчи билан талабалар, талабалар билан талабалар орасида ўзаро муносабат тажрибаси ҳосил бўлади, мулоқот кўникмалари ва нутқ жадал ривожланади, қўйилган вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш имкониятлари кенгаяди.

Олий таълим муассасаларида муаммоли ўқитиш, вазиятларни лойиҳалаш, ўйин, тадқиқотларни амалга ошириш, бахс-мунозара, суҳбат, таҳлил-мутолаа каби



методларни қўллаш ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу методлар талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириб, уларнинг мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтиради. Самарали таълим технологиялари ҳар бир талабанинг ўқув-билиш фаолиятини амалга оширишда фаоллик кўрсатиши, ўқув меҳнати натижалари учун масъулиятни ҳис қилиши, эгаллаган билимларнинг шахс мавқеини оширишга хизмат қилишини англаб етишини таъминлайди.

Бўлажак шифокорларнинг фаоллаштирувчи таълим жараёни талабанинг тизимли фикрлаш имкониятларини ривожлантириш орқали бўлажак касбий фаолиятга тайёрлаш, жамоа бўлиб фикрлаш ва амалий фаолият кўрсатишга ўргатиш, ўзаро муносабат ва мулоқотга киришишга оид ижтимоий кўникмаларни шакллантириш, индивидуал ва ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш, масъулиятлилиқни тарбиялаш, жамоа ва жамиятдаги ижтимоий қадриятларга нисбатан онгли муносабатни қарор топтириш имконини беради.

Ўқув-билиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма, малакаларни тўлақонли ўзлаштиришлари педагог томонидан бошқарилади. Билиш фаолиятлари ҳиссий идрок, назарий тафаккур ва амалий фаолиятнинг бирлигидир. Ушбу фаолият инсон фаолиятининг барча босқичлари ҳамда жамият аъзолари билан ўзаро муносабат жараёнида вужудга келади. Шунингдек, ўқув жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари шаклланади ва фаоллашади.

Ўқув-билиш жараёни бўлажак шифокор талабаларнинг фаол фаолиятлари билан бевосита боғлиқ. Бундай фаолиятлар бир ўқув топшириғини ечиш ва иккинчисига ўтиш жараёнида вужудга келади. Бу эса талабаларни билмасликдан билиш сари, тўлиқ бўлмаган билимлардан нисбатан тўлиқ ва аниқ билимларни эгаллаш сари интилишига хизмат қилади.

Ўқув жараёни билим, кўникма ва малакаларни талабаларга шунчаки узатишдан иборат эмас, ушбу жараён икки ёқлама характерга эга бўлиб, талабалар ва профессор-ўқитувчилар, ўқитиш ва ўрганишнинг ўзаро алоқадорлигида намоён бўлади. Талабаларнинг ўқиш, ўрганиш ва профессор ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига бўлган муносабатлари уларнинг фаоллиги орқали аниқланади.

Фаоллик билан бевосита алоқадор бўлган ҳолатлардан яна бири талабаларнинг ўқув мотивациясидир. Бу муайян объект ва фаолият воситалари билан алоқадор бўлган мустақилликдир. Талабалар бундай мустақил фаолиятни профессор ўқитувчиларнинг кўмагисиз ўзлари амалга оширадилар. Билиш фаоллиги ва мустақиллик бир-бири билан ўзаро алоқадор ҳодисалар ҳисобланади. Улар: кўпроқ фаол ва кўпроқ мустақил; етарлича билиш фаоллигига эга бўлмаган талабалар бошқаларга тобе бўлиб, уларда мустақиллик тўлиқ намоён бўлмайди.

Ўқув-билиш фаолияти билан амалий топшириқларни мувофиқлаштириш принципи доирасида талабаларнинг амалий ишлари ҳар доим уларни касбий тайёрлашга йўналтирилган назарий материалларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши керак. Ушбу принципнинг асосий моҳияти талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини имкон қадар ижтимоий воқелик, реал ҳаётий вазиятларга яқинлаштиришдан иборат. Мазкур принцип муаммолилиқ принципи билан уйғунлашган ҳолда талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалий



фаолиятлари ёрдамида бойитиш ва мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Биргаликда ўқиб ўрганиш принципи ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида билимларни ўзаро алмашиниш муҳити вужудга келади. Ўз билимларини мустақил ошириш, мустақил билим олиш учун нафақат назарий асос, балки ўрганилган ҳодисалар, далиллар, ахборотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш кўникмаси ҳам зарур. Мазкур билимлардан фойдаланишга ижодий ёндашиш кўникмасига эга бўлиш, ўзи ва ўзгаларнинг хатоларидан тўғри хулосалар чиқариш, ўз билим, кўникмаларини долзарблигини таъминлаш ва ривожлантиришга эришиш ҳам талабаларда ўқув-билиш фаолиятининг фаоллашувида муҳим аҳамиятга эга.

Ўрганилаётган муаммолар доирасида тадқиқотлар ўтказиш принципи. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ижодий, изланиш характериға эга бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳаракат имкон қадар ўзида таҳлил қилиш, умумлаштириш кўникмаларини мужассамлаштириши мақсадға мувофиқ. Муайян жараён ёки ходисани ўрганишға йўналтирилган педагогик вазиятлар имкон қадар ўзида тадқиқот элементларини акс эттириши керак. Бу талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим принципларидан бири бўлиб, ўрганилаётган муаммолар ва ходисаларни тадқиқ қилиш имконини беради.

Индивидуал ўқитиш принципи ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг педагогик тафаккурида жараён субъектларини индивидуал ўқитишға алоҳида эътибор қаратилган. Индивидуал ўқитиш жараёни асосан талабани касбий тайёрлашға йўналтирилган бўлиб, уларға алоҳида бир соҳалар бўйича чуқурлаштирилган ўқитиш жараёни ташкил этилган. Бундай ўқитиш жараёни асосан мадрасаларда амалға оширилган. Ушбу принципни амалға ошириш жараёни ўзига хос бўлиб, кўплаб психофизиологик хусусиятларға эга. Жумладан: гуруҳ аъзоларининг таркиби; ўқув жараёниға мослашиш; янги билимларни идрок этиш лаёқатига эғалик. Буларнинг ҳар бири ўқув жараёнини индивидуал ўқитиш принципини муваффақиятли қўллашға хизмат қилади. Мазкур жараёнда талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобға олиш тавсия этилади.

Мустақил ўрганиш принципи. Таълим жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш механизмларини қўллаш муҳим аҳамиятға эга. Бу ўз навбатида мустақил ўрганиш принципини амалға ошириш имконини беради. Педагогика тарихининг далолат беришича, мактаб ва мадрасаларда таълим олувчиларнинг билимларни мустақил ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақсадда кўпроқ таҳлил-мутолаа методидан фойдаланилган.

Ушбу принцип шахснинг билим захираларини бойитиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим олувчиларға индивидуал ёндашиш принципини муваффақиятли амалға оширишға хизмат қилади. Ушбу мақсадда талабалар қўшимча адабиётларни ўқийдилар, профессор-ўқитувчилардан зарур маслаҳатлар оладилар.

Муваффақиятға ундаш принципи. Фаоллик талабаларнинг мустақил ҳамда жамоавий билим олишларига йўналтирилган бўлиб, ушбу мақсадға талабаларни



билим олишга йўналтириш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш принципи сифатида муваффақият қозонишга ундаш принципи муҳим педагогик аҳамиятга эга. Ўқув-билиш фаолиятининг ривожланишида асосий омил талабаларда ўқиш, билим олиш ва муаммоларни ечиш истагининг мавжудлигидир. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш ўқитиш методлари каби уларнинг ўзига хос имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

References:

1. Ўзбекистон Респубтонликаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўжалланган янги Ўзбекситоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони
2. Педагогика энциклопедия. I жилд / тузувчилар: жамоа. // Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 320 б.
3. Психологические механизмы формирования социального воображения у подростков. АА Ахмедов, ММ Зикиряева. Новый день в медицине.151-154, 1(29)2020
4. Madaniyatlararo tafovutlarning glaballashuv sharoitida ijtimoiy-psixologik xususiyatlar. ММ Zikiryaeva. Таълим ва ривожланиш таҳлили онлайн илмий журнали 2 (3), 240-245, 2022/5/5
5. Shaxs psixologiyasida ranglarning egallagan o'rni xususida. Тафаккур ва талқин, 475-485, 2020/5/15
6. Ўсмирлар хулқ-атворида ижтимоий қадриятлар шаклланишига таъсир этувчи омилларни методологик асослари. Зикиряева.М М, Psixologiya 4 (4), 124- 128, 4/2020
7. О методологии психологического образования. А.А Ахмедов, М.М Зикиряева. Вестник интегративной психологии 19 (79), 63-67, 2019/9/3
8. Психологические особенности взаимоотношений мальчиков и девочек в младших классах. Зикиряева М.М. (г.Бухара, Узбекистан) Вестник 24/2022 128-130с
9. Психологические механизмы формирования социального воображения у подростков АА Ахмедов, ММ Зикиряева. Новый день в медицине.151-154, 1(29)2020
10. Зикиряева Манзура Мавлоновна, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
11. / EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Innovative Academy Research Support Center / Volume 2, Issue 11, October 2022 / p. 926-931.
12. Талабалар касбий тафаккурини ривожлантиришда замонавий маъруза машғулотларининг аҳамияти. Гулноз Негматовна Курбанова. Биология и интегративная медицина. 2021
13. THE ROLE OF INNOVATIVE LECTURES IN THE IMPROVEMENT OF STUDENTS ' PROFESSIONAL THINKING. Kurbanova Gulnoz Negmatovna. Academicia. 2021/3.International Journal for Advanced Research In Science. Kurbanova Gulnoz Negmatovna. 2020/5
14. Терминологический аппарат и методы экспертизы психологической готовности к инновационной деятельности, как основы развития инновационной компетентности:



украинско-узбекский опыт. Курбанов И.Х. Журналнинг номи Педагогические инновации реали перспективы. 2019.

15. Психологическая готовность к инновационной деятельности- основная детерминанта профессиональной самореализации личности в условиях прогрессивных. Курбанов И.Х. Педагогические инновации идеи реали перспективы. 2019.

16. Психологическая готовность личности к инновационной деятельности основной ресурс инновационных преобразований в Узбекистане. Курбанов И.Х. Педагогічні інновації реалії, перспективи: збірник наукових праць. 2018.

17. Проблема формирования педагогического мастерства преподавателя вуза, типы преподавателей. Научные школы., Курбанов И.Х., Молодежь в науке и культуре XXI в., 2017

18. HIGH HUMAN FEELINGS IN RUDAKIS WORK., Tursunova Ozoda Faxriddinovna, Theoretical & Applied Science, 2020

19. Тексты с фоностилистическими фоновариантами и их перевод (на материале узбекского языка), Бахтиёр Закирович Гафуров., Ilim ha'mja'miyet., 2019

20. Distinctive Rhetorical Models of Lexical and Grammatical Structure of The Uzbek Language., Abdullayeva Dilorom Akhmedovna., Eurasian Scientific Herald., 2021/12/4

21. Ona tili darslarida o`quv lug`atlaridan foydalanish imkoniyatlari., Tursunova Ozoda., Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti., 2016/3

22. "Paronimlarning izohli lug`atini" tuzish xususida., Tursunova Ozoda., Til va adabiyot ta'limi., 2021/1

23. Teaching Students to Think Creatively Through Independent Education in Higher Education., Dilorom Abdullayeva, Bakhtiyor Aminov, Nilufar Xodjayeva., International Journal of Human Computing Studies., 136-140

24. Russian Language as A Foreign Language in Medical Universities., Khamrayeva Mavlyuda Djurayevna., Eurasian Journal of Research, Development and Innovation., 2021/12/13

25. THE ORIGINALITY OF CASE FORMS IN RUSSIAN., Khamraeva Mavlyuda Juraevna., CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE., 2021/6/15

26. STUDY OF RU., Khamraeva Mavlyuda Juraevna., Психологические механизмы формирования социального воображения у подростков. А.А Ахмедов, М.М Зикиряева. Тиббиётда янги кун. 151-154 стр, 1(29)2020

27. Madaniyatlararo tafovutlarning glaballashuv sharoitida ijtimoiy-psixologik xususiyatlar. М.М Zikiryayeva. Таълим ва ривожланиш таҳлили онлайн илмий журнали 2 (3), 240-245, 2022/5/5

28. SHaxs psixologiyasida ranglarning egallagan o'rni xususida. М.М Zikiryayeva. Тафаккур ва талқин, 475-485, 2020/5/15

29. Ўсмирлар хулқ-атворида ижтимоий қадриятлар шаклланишига таъсир этувчи омилларни методологик асослари. М.М Зикиряева, Psixologiya 4 (4), 124-128, 4/2020

30. О методологии психологического образования. А.А Ахмедов, М.М Зикиряева. Вестник интегративной психологии 19 (79), 63-67, 2019/9/3



31. Психологические особенности взаимоотношений мальчиков и девочек в младших классах. *Зикиряева М.М. (г. Бухара, Узбекистан)* Вестник 24/2022 128-130с
32. Psychology in teaching english language. "Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture". Zikirayeva Manzura Mavlonovna, Hakimova Muhabbat Alimovna, Volume 2 Issue 5, May 2022. ISSN 2181-2888. 228-232 p.
33. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларини мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари. *Зикиряева М.М.* Journal of new century innovations. 2022.11.07,16(3), 33–39 p.
34. Олий таълим муассасалари талабаларида креативликни шакллантириш. *Зикиряева М.М.* Eurasian journal of academic research. 2022.10.19. 926-931 p.